

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

«Тасдиқлайман»
Ўқув ишлари бўйича проректор
Проф Баймурадов Ш.А.

«27» август 2023 й.

2-СОНЛИ ФАКУЛТЕТ ВА ГОСПИТАЛ ЖАРРОҲЛИК КАФЕДРАСИ

Фан: факультет жаррохлик

**«ЎПКАНИНГ ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ ДЕСТРУКТИВ
КАСАЛЛИКЛАРИ»**

мавзуси бўйича амалий машғулоти
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тошкент 2023

Тузувчилар:

Кафедра мудири т.ф.д. профессор Акбаров М.М.

Т.ф.д. доцент Ирисов О.Т.

Ассистент Отамирзаев К.А.

Методик қўлланма Тошкент тиббиёт академияси даволаш ва тиббий-педагогика факултети талабалари учун тузилган.

Таълим технологияси ТТА 2-сонли факултет ва госпитал хирургия, трансплнтология кафедраси йиғилишида тасдиқланган. 1-сонли баённомаси, «27» август 2023 й.

ТЕМА: ЎПКАНИНГ ЎТКИР ЙИРИНГЛИ-ДЕСТРУКТИВ КАСАЛЛИКЛАРИ

1. Ўқиш машғулотида ўқитиш технологияси модели

Вақт – ишчи ўқув дастурига асосан		Талабалар сони: 8-10та.	
Машғулот шакли		Амалий машғулотлар ўқув хоналарида интерактив ўқитиш усуллари ердамида ўтказилади	
Машғулот ўтказиш жойи		Амалий машғулот 1 сонли факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси ва ТТА кўп тармоқли клиникасида ўтказилади (ўқув хоналари, палаталар, боғлов хоналари, поликлиника, стационар)	
Ўқув машғулотни структураси		1. Кириш қисми. 2. Амалий қисм: курация, амалий кўникмаларни бажариш, амалий қисмни таҳлил қилиш. 3. Теоретик қисм. 4. Баҳолаш. 5. Ўқитувчи томонидан дарсни тамомлаш.	
Машғулотнинг мақсади: Талабалар учун касб-хунар эга бўлишда таергарликни муҳимлигини ифодалаб мавзуни асослаш. Талабаларни тегишли жарроҳлик касалликлари билан, унинг ривожланиш сабаблари, клиник кечимини ўзига хос хусусиятлари, диагностикаси, дифференциал ташхислаш, оптимал даволаш усуллари, операциядан кейинги даврни бошқариш, беморларни реабилитация қилиш билан таништириш.			
Ўқитувчи вазифалари: - Талабаларнинг касалликнинг кечиши ва клиникаси ҳақида билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш. - Муҳокама қилинаётган патологиянинг клиник хусусиятлари ва мумкин бўлган вариантларини муҳокама қилиш. - Бошқа касалликлар билан дифференциал диагностика тамойилларини тушунтириш. - Касалларни ўз вақтида эрта аниқлаш ва жиддий асоратларни ривожланишидан олдин даволаш учун		Ўқув натижалари: <u>Талаба билиши лозим:</u> - диагностика ва дифференциал диагностика услублари; - ташхисни асослаш ва рационал давони танлаш учун инструментал-диагностик текширувларни интерпретация қилиш; - ушбу беморларнинг амалиёт олди тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари; - оператив ва консерватив даволаш учун кўрсатмалар, уларнинг ўзига хослигини билиш; - амалиёт даври ва ундан кейинги даврда асоратларни олдини олиш; - жарроҳлик касалликлари билан хасталанган беморларни текшириш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириш; - махсус текширув усулларни ўрганиш. <u>Талаба бажара олиши лозим:</u>	

ихтисослаштирилган муассасаларга юбориш кўникмаларини ривожлантириш. - Талабаларни даволашнинг янги усуллари ва профилактика чоралари билан таништириш.		- Амалий кўникмаларни бажара олиши – жаррохлик касалликлари билан хастланган беморларни текшириш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириш, махсус текширув усулларни ўрганиш, оператив ва консерватив даволаш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни билиш.
Ўқитиш техникаси ва усуллари	Таълим комплексининг барча таркибий қисмларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиш; MOODLE тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиш.	
Ўқитиш жиҳозлари	Ўқув қўлланмалари, ўқув материаллари, слайдлар, видео материаллар, электрон ва сканерланган дарсликлар, тиббий ҳужжатлар.	
Ўқитиш шакллари	Индивидуал, гуруҳларда ва коллектив билан ишлаш	
Ўқитиш шартлари	Ўқув хоналари, палаталар.	
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: назорат саволлари, гуруҳларда ўқув вазифаларни бажариш, амалий кўникмаларни бажариш, езма назорат: тестлаш	

2. Мотивация

Талабаларнинг муҳокама қилинадиган мавзуларга қизиқишини ошириш учун асоратларни ривожланишига қадар ўз вақтида адекват даволаниш зарурлигини ва улар пайдо бўлганда диагностика, даволаш, профилактика ва реабилитациянинг энг информатив ва замонавий усуллари билан таништириш. Талабаларнинг клиник тафаккурини ривожлантириш. Жаҳон тиббиёти ва умумий амалиёт шифокори нуқтаи назаридан муаммонинг замонавий кўринишини ишлаб чиқиш.

3. Фанлараро ва фан ичида боғлиқлик

Шу мавзуни ўқитиш талабаларнинг нормал анатомия, нормал ва патологик физиология фанлари бўйича билимларига асосланади. Дарс давомида олинган билимлар бошқа клиник фанларни ўрганилганда керак бўлади.

4. Дарснинг мазмуни

Ўпканинг йирингли касалликлари ёки ўпканинг ўткир инфекцион деструкцияси– носпецифик патоген микроорганизмлар таъсирида ўпка тўқимасининг яллиғланиш инфильтрацияси ва кейинчалик йирингли ёки чиришга (деструкция) мойиллиги билан тавсифланган патологик жараён (специфик деструкцияларга туберкулёзда казеоз пневмония, сифилитик гумма ва б. Мисол бўлади). Деструкциянинг характериға қараб ўпка хўппози (абсцесси), гангрена ва гангреноз хўппози (абсцесси) фарқ қилинади.

Ўпка ўткир абсцесси – бу ўпканинг некрозга учраган тўқималарини йирингли ёки чириш натижасида парчаланиши, у йиринга тўла ёки йирингли суюқлик сатҳига эға бушлик ҳосил қилиб, пиоген капсулага эға бўлади ва соғлом ўпка туқимасидан перифокал инфильтрация орқали ажралиб туради (кўп ҳолларда битта сегмент чегарасида бўлади).

Ўпка гангренаси - ўпканинг катта бир қисмини аниқ чегараға эға бўлмаган йиринглаб чириган некрози бўлиб, тезда тарқалиши, жуда оғир клиник кечими билан харқтерланади (кўп ҳолларда бир ёки ундан кўп ўпка бўлағи чегарасида ва пиоген капсула билан чегараланмаган).

Ўпка гангреноз абсцесси – бунда йирингли чириш ўчоғи чегараланишға мойил бўлади ва ўпканинг гангренаға учраган қисмида демаркация чизиғи ҳосил бўлиб, йирингли бўшлик деворига ёки эркин ётган ўпка тўқимаси секвестрлари ҳосил бўлади. Бўндай ҳолатда чегараланган гангрена тушунилади.

Этиология:

1) Бактериялар:

❖ Аэроблар:

- грамусбат микрофлора (пневмококклар, стафилококклар)
- грамманфий микрофлора (Escherichia, Citrobacter, Klebsiella, Proteus,

Pseudomonas)

❖ анаэроб микроорганизмлар

2) Замбуруғлар: ачитқисимон замбуруғлар, аспергиллалар ва патогенлиги бўйича замбуруғларға яқин бўлган актиномицетлар (кўпинча ўзоқ антибактериал терапия фонида)

3) Вируслар (бронхлар эпителийсида яллиғланиш ва некротик ўзғаришлар → ҳужайра ва гуморал имунитетнинг сусайиши → микроорганизмлар кўпайиши учун озикавий субстратнинг (мухитнинг) ҳосил бўлиши)

4) Кам учрайдиган: ўпка амебали абсцесслари, риккетсиялар, хламидиялар, микоплазмалар.

Ўпка ўткир йирингли-деструктив касалликлари классификацияси

Патогенези бўйича	• Бирламчи • Иккиламчи
Келиб чиқишиға кўра	• Бронхоген - аспирацион, постпневмоник, обтурацион; • Тромбоэмболик - микроб тромбоэмболик, асептик тромбоэмболик; • Посттравматик • Бошқа келиб чиқиш (шу билан бирға йирингни ёндош органлардан ўтиши)
Морфологик ўзғаришларға кўра	• Ўткир йирингли абсцесс • Ўткир гангреноз абсцесс (чегараланган гангрена) • Тарқалган гангрена

Этиологияси бўйича	• Аэроб микрофлора чақирган • Анаэроб микрофлора чақирган • Бошқа нобактериал флора чақирган (содда жонзотлар, замбуруғлар ва б.) • Аралаш микрофлора чақирган (шу билан бирга вирусли-бактериал)
Тарқалиши бўйича	• Якка ва кўплаб • Бир ва икки томонлама
Жойлашувигв кўра	• Маркази • Периферик (кортикал, субплеврал)
Оғирлилик даражаси бўйича (беморнинг клиник ҳолати)	• Енгил • Ўрта • Оғир • Ўта оғир даража
Асоратларига кўра	• Пиопневмоторакс ёки плевра эмпиемаси • Ўпкадан қон кетиш • Сепсис • Кўкрак қафаси девори флегмонаси • Қарамағарши ўпка зарарланиши • Йирингли перикардит • Медиастинит

Патогенез:

- 1) ўпка паренхимасида ўткир инфекцион-яллиғланиш жарайони (эндотоксикоз синдроми);
- 2) бронхлар ўтказувчанлигини бузилиши;
- 3) қон айланишининг бузилиши ва ўпка тўқимасининг некрози.

Клиника ва ташхислаш. Ўпка абсцесси ва гангренасининг клиник кечими патогенезига қараб, ўпканинг некрозга учраган хажмига, касалликнинг босқичига, деструкция жараёнини жадаллигига, асоратларнинг ривожланиши, фон касалликлар, организмнинг реактивлигига қараб турли хил бўлади.

Классик равишда ўпка ўткир абсцессида яққол 2 босқич тафовут этилади:

- 1) ўткир инфекцион яллиғланиш ва ўпкада йирингли-некротик деструкция ўчоғининг ҳосил бўлиши.
- 2) очиқ ўпка йиринги, яъни йирингли ўчоқнинг бронхга ёрилиши.

Бирингчи босқич учун характерли:

- Касалликнинг умумий ҳолсизлик, титроқ, бош оғриғи билан бошланиши;
- Тана ҳарорати кўтарилиши (одатда баланд 39-40°Сгача, интермитирланувчи характерга эга, титроқ ва кўп терлаш билан);
- Йўтал (қуруқ ёки кам миқдорда балғам билан);
- Кўкракқафасида оғриқлар (маълум бир чегарага эга).

Физикал текширувда:

- Зарарланган томоннинг нафас олиш актида ортида қолиши;
- Зарарланган ўпка проекциясида перкутор товушнинг қисқариши ёки бўғиқ бўлиши. Перкуссия ёки пальпацияда шу соҳада оғриқ (Крюков симптоми);

- Аускультацияда дағал товуш (дағал, бронхиал, сустанас), патологик шовқинларнинг пайдо бўлиши (хўл, майда пуфакчали хриплар, крепитация).

Типик клиник белгилар *иккинчи босқичда* пайдо бўлади:

- Йирингли балғам чиқиши (олдинги шифокорлар тилида айтганда “ўпка абсцесси диагнози беморларнинг балғам йиғувчи идишида ёзилган”). Балғам йирингли, ики (пастки – йирингли, тепа – сероз қават) ёки уч қават, кулранг-сарик рангда ва кўп миқдорда;
- Йирингли ўчоқнинг бронхга ёрилиши – бир вақтнинг ўзида кўп миқдордаги балғамнинг ажралиши;

- Бемор чиқазаётган ҳавода чиришли хиднинг бўлиши.

Физикал текширувда:

- Перкуссияда бўғиқ товуш чегараларнинг кичрайиши;
- Баъзан шу жойда перкуссияда тимпаник товуш пайдо бўлади;
- аускультацияда специфик товуш феномени - “амфорик нафас”, “чайқалиш” шовқини, “тушаётган томчи” товуши.

Бемор ҳолатининг оғирлашиши дренажловчи бронхнинг ўтказувчанлигининг янгитдан бузилиши билан боғлиқ. Йирингли бўшлиқда йирингнинг тўпланиб қолиши кузатилади ва бу беморнинг тана ҳароратини кўтарилиши, умумий ҳолатининг ёмонлашуви ва йирингли интоксикация белгиларини пайдо бўлиши билан кечади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўпка ўткир яллиғланишининг рентгенологик белгилари клиник белгилардан бир мунча ортда қолади.

Ўпка гангреноз абсцессининг клиник кечими нисбатан оғир кечиши билан фарқланади. Бунда биринчи планга нафас етишмовчилиги ва эндотоксикоз белгилари чиқади:


- умумий ҳолсизлик, иштаханинг йўқлиги, ҳаттоки кичик жисмоний юкламада тез ҳолдан тойиш;

- ҳаво ётишмаслик ҳисси;
- кучли балғамли йўтал (кир-кулранг рангда ва ёқимсиз чириш хидига эга, баъзан қон аралаш);
- тери қопламалари кулранг рангда, лабларда ва тирноқ пластиналарида цианоз, хансираш;
- қон босими одатда ўзгармайди, лекин пульс тезлашади.

Физикал текширувда:

- перкуссияда – бўғиқ товуш одатда ўпка бўлагини эгаллайди
- аускультацияда сустанас фонидида ҳар хил улчамли хириллашлар, беморларнинг учдан бирида амфорик нафас эшитилади.

Тарқалган ўпка гангренасининг клиник кечими ўта оғир кечиши билан тавсифланади. Бу ўта кучли интоксикация сабабли ҳаттоки септик шок ва полиорган ётишмовчилик ривожланиши билан боғлиқ. Беморлар адинамик, ўзини (онгини) йўқотган ҳолатда бўлади. Бошланғич даврида интоксикацион энцефалопатия фонидида онг бузилишлари кузатилиши мумкин. Барча беморлар кучли ҳолсизлик, иштаханинг йўқлиги, тинч ҳолатда нафас сиқиши, чанқаш, чарчатувчи бадбўй ва балғамли йўталга (қўнғир, кулранг рангда) шикоят қилишади. Балғам бир муддат сақланганда уч қаватга ажралади: пастки – йирингли чўкма, ўрта – хира шилимшиқ-сероз суюқлик, ва юқори – кўпиксимон қават. Баъзан беморнинг нафаси шунчалик бадбўй бўладики, бутун хонани қамраб олади.




Кўрик вақтида тери қаватлари куруқ, кулранг рангда. Склералар иктерик. Лабларнинг цианози кузатилади. Зарарланган ўпка томон нафас актида ортда қолади, қовурғалар ораси пальпация қилинганда оғриқли. Артериал қон босими пасайиши мумкин. Бемордан йиғилган физикал маълумотлар ўпка некрозининг хажми ва детрукция жараёнинг жадаллигига тўғридан тўғри боғлиқ бўлади.

Перкуссияда массив қисқарган перкутор товуш зонаси, аускультацияда сушт шовкинлар, куруқ ва хўл хриплар эшитилади. Қорин пальпациясида катталашган ва қаттиқ жигар ва талок аниқланади.

Ўпка гангреназининг кечими кўп ҳолларда қон туфлаш (hemorizis), ўпкадан қон кетиш, плевра эмпиемаси (пиопневмоторакс) билан асоратланиши мумкин.

Нур ташхислаш.

Ўпканинг ўткир йирингли деструкцияларида энг кўп ахамиятга эга текширув бу – компьютер томографияси ҳисобланади. Аммо амалиётда, базавий усул ханузгача анъанвий рентгенография бўлиб қолмоқда. Шуни айтиш жоизки, тўлиқ картинага эга бўлиш учун қаватма-қават текширув лозим бўлади, яъни компьютер томографияси. Бошқа нур ташхислаш усуллари клиникада асосан асоратларни аниқлаш учун, ўзига хос кўрсатмалар бўлганда қўлланилиши мумкин.





Ўнг ўпка абсцесси



Ўнг ўпка гангренази

Рентгенограмма:



Ўпка абсцесси КТсида яллиғланиш инфильтратига хос тасвир – марказида бир ёки бир нечта бир хил зичликга эга, ички юзасини йўқотган бронхларни кўришимиз мумкин. Морфологик бу сохалар ўпканинг некрозга учраган тўқималаридир. Кўпинча биринчи давридаёқ некроз зонасида майда хаво пуфакчаларини кўришимиз мумкин. Йирингли-некротик соха атрофида перифокал инфильтрацияни кўрамиз. Томир ичига боллос контраст модда юборилгандан сўнг некроз ва чиришга учраган соха зичлиги ўзгармайди, перифокал инфильтрация зонасининг зичлиги эса 10-15Нга ошади. Шундай қилиб компьютер томограммаси ўпкадаги яллиғланиш инфильтрациясининг йирингли-некротик характерини патологик жараённинг энг бошланғич даврида, хали хаволи бўшлиқ ҳосил бўлгунга қадар аниқлаш имконини беради.

Бронхга ёрилгандан сўнг ўпка ўткир инфекцион деструкциялари классик рентген картина билан намоён бўлади – йиринг сатхига эга бўлган хаволи бўшлиқ. Ўткир абсцессда бўшлиқ юмалоқ шаклда ва кўп микдорда горизонтал сатхга эга суюқлик сақлайди.

Ўпка гангреназида йирингли деструкцияга учраган некротик массалар бошида ўчоқли характерга эга бўлади ва компьютер томограммасида кўрса бўладиган майда хаволи бўшлиқчаларни ҳосил қилади. Кейин бў бўшлиқлар бир-бири билан қўшилади ва йирик, нотўғри шаклга эга, кўп камерали, деворининг ички контури нотекис бўшлиқларни ҳосил қилади. Бунда бир нечта горизонтал суюқлик сатхлари ҳосил бўлади. Ўпка гангренази учун хос белги бўшлиқда секвестрларнинг бўлиши.

Ижобий кечувида яллиғланиш жараёни ўпканинг маълум участкалари билан чегараланади, бўшлиқлар қўшилишда давом этади, ичидаги секвестрлар ва некротик массалар

секин эрийди, сўюклик микдори эса ортади. Натижада гангреноз абсцесс ҳосил бўлади.

Ўпканинг тарқалган гангренази эса кенг полисегментар некроз ўчоқлари билан характерланади. Бунда антибактериал давога қарамасдан патологик жараёнга ўпканинг янги қисмлари қўшилишда давом этади. Ҳосил бўлган йирингли деструкция бўшлиқлари катталашишда давом этади ва янгилари ҳосил бўлади. Мана шу рентгенологик картина ўпка тарқалган гангреназини гангреноз абсцессдан фарқлашга ва даволашнинг адекват усулини танлашда муҳим ҳисобланади.

Фибробронхоскопия. Беморларда йирингли эндобронхитнинг жадаллигини аниқлашга имкон беради. Бунда бир нечта асосий белгиларга эътибор берилади: трахея ва бронхларнинг ўтказувчанлиги, шиллиқ қаватининг кўриниши, бронхлар ажратган секретнинг кўриниши ва сифати, эластиклиги, инструментал пальпацияда қонаш-қонамаслиги, шиллиқ қаватидаги қон-томирлари ва бурмалари.

Эндотоксикоз даражаси ва динамикасини ташхислаш. Қон плазмасидаги, эритроцитлардаги, суткалик сийдикдаги ўртамолекуляр пептидларни концентрациясини аниқлашдан иборат. Системали яллиғланиш реакцияси синдромини аниқлашда лейкоцитоз даражаси, лимфоцитлар микдори, ЭЧТ, сиал кислоталари даражаси, С реактив оксил аниқланади. Протеинограмма кўрсаткичларидан альбуминнинг фибриногенга нисбати, альбуминнинг α_1 ва α_2 глобулинларга нисбати информатив ҳисобланади.

Функционал ташхислаш: ташқи нафас кўрсаткичини текшириш (компьютер спирографияси маъқул), юрак мушаклари электрик хусусиятлари (электрокардиография), юрак қисқариш ҳажми (тананинг интеграл реографияси) ва юрак клапанлари ҳолатини аниқлаш (эхокардиография).

ЎЎЙДК даволаш қуйидаги принципларга асосланиши керак:

- йиринг ва ундаги патологик маҳсулотнинг дренажини таъминлаш;
- инфекцион жараён қўзғатувчиларига қарши эффектив этиотроп даво;
- организм қаршилиги ва химоя кучларини кўтариш, иммунологик ва реологик ўзгаришларни бартараф этиш;
- эндотоксикозни бартараф этиш;
- радикал оператив даво.

Оператив даво ўткир даврда кам қўлланилади ва фақат кўрсатмалар асосида, консерватив даво самарасиз бўлганда. Кўпчилик даво усуллари консерватив давони “кичик хирургия” билан биргаликда олиб борилиши билан қўлланилади.



Умумий даво. Беморлар ёруғ ва ҳаво айланадиган палаталарга жойланмоғи лозим. Беморларга актив ҳаракатланиш, дахлизга чиқиш, даво ва гигиеник гимнастика билан шуғулланишга рухсат берилиши керак. Шунингдек дорилар ёрдамида 9-10 соатдан кам бўлмаган тўлақонли уйқуни таъминлаш зарур. Ўткир ўпка яллиғланиши фонида ҳар куни беморлар йирингли балғам билан бирга кўп миқдорда оксилларни йўқотишади. Тезда гипопротеинемия ривожланади. Шунинг учун беморларнинг рацион кўп миқдорда оксилни, калорияли ва хилма хил бўлиши лозим. С, В₁, В₆, В₁₂ витаминларини беморлар етарли миқдорда қабул қилишлари керак. Аскорбин кислотасининг кунлик миқдори 1-2 граммдан кам бўлмаслиги керак, шунингдек бир қисмини томир орқали юборилгани маъқул.

Эндоген интоксикацияни камайтиришга ва организмдаги волемик ўзгаришларни нормаллаштиришга қаратилган инфузионно-трансфузион терапия олиб борилиши керак. Ўпка ўткир инфекцион деструкцияси кучайиб борадиган тақдирда кунлик ҳажми 2-2,5 литрдан кам бўлмаган инфузион программани 10-14 кун давом эттириш керак бўлади. Бу мақсадда томир ичига изотоник тузлар эритмалари, глюкоза, кичикмолекуляр декстранлар (реополиглюкин), дезинтоксикацияловчи эритмала (гемодез, неогемодез) қуйилади. Бунда етарлича миқдордаги инфузион терапия фонида диурезнинг кучайтирилиши токсик моддаларнинг сийдик билан ажралишини кучайтиради.

Узоқ ва оғир кечимли беморлар организмга оксил етишмовчилиги парентерал озикланиш усуллари орқали тўлдирилади. Беморларга одатда аминокислотали аралашмалар (полиамин, мориамин) ва оксил гидролизатлари (аминостерил, альвезин) 1 кг тана вазнига 1-2 гр. оксил ҳисобида юборилади. Шунингдек альбумин (100 мл ҳафтасига 2 маҳал), протеин, плазмалар ҳам жуда фойдали ҳисобланади. Парентерал юборилаётган оксил миқдори кунлик эҳтиёжни 40-50%ини ташкил қилиши керак, оксилларнинг яхшироқ ўзлаштирилиши учун анаболик гормонлар (нерабол, ретаболил) қўлланилиши мумкин.

Энергетик баланс томир ичига глюкозанинг концентрилланган (20-40%) эритмасига инсулин, этил спирт ва ёғ эмульсиялари (интралипид, липофундин) қўшиб юбориш орқали таъминланади. Шунингдек агар беморнинг ҳолати рухсат берса энергетик дефицитни бартараф этиш энтерал озикавий аралашмаларни бериш билан ҳам тўлдирилиши мумкин. Анемиянинг оғир даражаларида беморларга донор қонини ёки эритроцитар массани (400мл 1-2 мартта ҳафтасига) трансфузия қилиш тавсия этилади.

Бронхларни ўтказувчанлигини таъминлаш мақсадида десенсибилизируловчи ва бронхоспазмалитик дорилар қўлланилади. Бунда эуфиллиннинг- 2,4% эритмасидан 10 мл томир ичига юборилади (суткасига 1-2 маҳал, 10-12 кун). Антигистамин препаратлар сифатида 1%ли димедрол эритмаси (1мл 2-3 маҳал кунига) ёки пипольфен (1 мл 2-3 маҳал кунига, мушак орасига) қўлланилади.

Кўрсатмаларга биноан қон айланишининг етишмовчилигини профилактикаси мақсадида юрак гликозидлари (коргликон, строфантин) қўлланилади. Шунингдек вибрацион массаж, йўтал рефлекс стимуляцияси, даво гимнастикалари кенг қўлланилади.

Гипоксемия билан курашиш мақсадида намланган кислород қўлланилиши артериал қоннинг оксигенациясини сезиларли даражада яхшилайдди. Кислород юборилиши (6-8 л/мин) унинг қондагии концентрациясини 30-50%гача кўтаради. Бу оғир нафас етишмовчилиги ривожланган беморларнинг давоси учун етарли ҳисобланади. Кислороднинг бундан юқори миқдорда қўлланилиши унинг токсик таъсирига, нафас йўллари шиллиқ қаватининг қуриб кетишига олиб келади.

Трахея ва бронхларни санация қилиш мақсадида террилитин, терридеказа, мукосольвин, антибиотиклар, интерферон ва б. диоксидин билан ультратовуш ингаляцияси қўлланилади. Ингаляцияларнинг даволовчи эффекти нафас йўллари шиллиқ қаватига илиқ ва нам дори воситаларининг таъсири билан таъминланади. Бу ўпка тўқималаридаги қон айланишини яхшилайдди, ёпишқоқ балғамни эритади, томоқдаги қуруқликни камайтиради.

Этиотроп даво:

- антибактериал дорилар;
- вирусга қарши дорилар;

- узоқ вақт антибактериал даво қўлланилганда иккиламчи замбуруғларга қарши профилактика.

Хозирги кунда антибактериал терапия сифатида икки ва хаттоки уч антибактериал дори комбинацияси қўлланилмоқда.

Жадвал

Касалликнинг клиник кечувига кўра эмперик
антибактериал терапия учун дори воситасини танлаш

Клиник-патогенетик вариант	Танлов препаратлари
Абсцедирловчи пневмония (касалхонадан ташқари, ёндош касалликлари йўқ беморлар учун)	ЦС (ЦС1-2)+КЛ П+АГ2
Аспирацион пневмония (касалхонадан ташқари, алкоголизм ва қандли диабетга дучор бўлган беморлар)	КЛ+АГ3 ЦС2+КЛ
Абсцедирловчи пневмония (кекса инсонлар, нозокомиал инфекция, кенг спектрга эга АБларни қабул қилувчи беморлар) Онкологик беморларда абсцесслар	АСП+АГ3 ЦС3+АГ3
Септик пневмония: гинекологик сепсис ангиоген сепсис криптоген сепсис	ЦС2+ДОКС КЛ+АГ3 (ЦС3) П+АГ2 ПЧП+АГ2 АМП+АГ3 ПЧП+АГ3 АМП+АГ3+КЛ

Шартли қисқартмалар: ЦС - цефалоспоринлар; ЦС2 – 2-авлод цефалоспоринлари; АМП - ампициллин; АГ2 – 2-авлод аминогликозидлари; АГ3 - Pseudomonas aeruginosa қарши аминогликозидлар; ПЧП – пенициллиназага чидамли пенициллинлар; ДОКС - доксициклин; П - пенициллины; АСП - противосинегнойные пенициллины; КЛ – клиндамицин гурухи антибиотиклари, МЛ - макролидлар.

Хирургик даво

Шошилинч (экстренная) операцияга кўрсатмалар:

- ўпкадан қон кетиши;
- таранг пиопневмоторакс;
- бронхиал оқма орқали кўп миқдорда хаво чиқиши билан кечувчи пиопневмоторакс;
- кўкрак қафаси девори флегмонаси;
- асфиксия хавфи (балғам кўп миқдорда ажралиб, контралатерал ўпкага ўтганида).

Шошилинч қолдирилган (срочная) операцияга кўрсатмалар:


- консерватив даводан эффект йўқлиги;
- гангрена прогрессияси.

Режали амалиётга кўрсатмалар:

- сурункали абсцесснинг ривожланиши;
- фиброателектаз ва пневмоцирроз ривожланиши (қайта деструкция хавфи билан).

1. Ўпкадаги деструкция ўчоқларини бронхлар орқали оптимал денажлаш

Санацион фибробронхоскопия ва кейинчалик эндобронхиал (абсцесс бўшлиғига ҳам) муколитик, антибактериал препаратлар, протеолитик ферментлар (трипсин, химопсин, рибонуклеаза), иммуномодуляторлар юбориш. Манипуляция хар куни, бемор ахволи яхшилангандан сўнг 3-4 кунда 1 мартаба ўтказилади.




Трансбронхиал абсцесс бўшлиғини дренажлаш (ёки дренирловчи бронхга катетер ўрнатиш) – бу амалиёт бронхоскоп ёрдамида ва (ёки) рентгенотелевизион экранга назорати остида амалга оширилади. Бронхлар ва абсцесс бўшлиғи санацияси амалга оширилиб, антисептик воситалар, протеолитик ферментлар юборилади. Аммо катетерни бир ҳолатда сақлаб қолиш доим ҳам иложи бўлмайди (кўпинча йўталганда катетер жойи ўзгаради), шунинг учун бу манипуляция ҳар бронхоскопия ўтказилганда амалга оширилади. Эндоскопик дренажлаш клиник, рентгенологик ва ультратовуш текширувлар асосида «блокланган» абсцесс ёки анъанавий бронхоскопияда адекват санация имкони бўлмаганда амалга оширилади.

Микротрахеостомия (трахеянинг бўйин қисмидан ингичка найчани ўтказиш) йўтал рефлексини муколитиклар, протеолитик ферментлар, антибактериал моддаларни томчилаб юбориш орқали стимуляция қилади.


Трахеостомия - нафас ётишмовчилиги III даражасида ва узоқ муддат ўпкалар сунъий нафаси талаб этилганда амалга оширилади.

2. Йирингли ўчоқни ликвидация қилишга қаратилган оператив даво


Абсцесс бўшлиғини трансторакал дренажлаш (Мональди бўйича)- йиринг ва некрозга учраган тўқималарни эркин эвакуация қилишга қаратилган. “Блокланган” яъни бронхлар орқали дренажланмайдиган абсцессларда қўлланилади. Бунинг учун энг муҳими абсцесс периферик яъни кўкрак қафаси деворига қараган томонда, плеврал бўшлиқда эса битишмалар билан қопланган бўлиши керак (пиопневмоторакс бўлмаслиги учун).



Лобэктомия, пневмонэктомия. Асоратлар ривожланганда қўлланилади, ҳамда «блокланган абсцесс» сепсис билан бирга ривожланганда. Амалиётни бажариш учун ўпка йирингли жараёнларинг оғирлилик даражаси классификациясига асосланган маъқул (Шойхет Я.Н., 2002). Амалиёт оғир ва ўта оғир беморларга қарши кўрсатилган, чунки деярли 100% ҳолатларда ўлим билан яқунланади (органлар дисфункцияси билан кечувчи сепсис, иккала ўпканинг зарарланиши).



Абсцесс билин бирга плевра эмпиемаси ривожланганда (бронхоплеврал оқма билан, ёки оқмасиз) **плеврал бўшлиқни видеоторакоскопик санацияси ва дренажлаш амалиёти ўтказилади.** Бу ҳолатда, ўткир даврида ҳаёт учун хавфли асоратлар бўлмаса бошқа жаррохлик амалиётлари ўтказилмайди, чунки йиринг шундоқ ҳам плевра бўшлиғи орқали дренажланиб туради.



Ўпка сурункали йирингли касалликларининг таснифи

Этиологияси бўйича

Ривожланиш нуъсонлари: ўпканинг гипоплазияси, ўпканинг секвестрацияси, ўпканинг кисталари, Зиверт-Картагенер синдроми.

Орттирилган касалликлар: сурункали ўпка абсцесси, ўпка кистаси, бронхектегаз: бирламчи, иккиламчи

Асоратлар мавжудлиги билан

- Қон туфлаш, ўпкадан қон кетиши
- Метастатик абсцесслар
- Аспирацион пневмониялар
- Плевра эмпиемаси, пиопневмоторакс
- Бронхоплеврал оқма
- Сепсис
- Аъзолар амилоидоз

Ўпка сурункали абсцесси

Ўпкада 2-3 ойдан кўпроқ вақт мавжуд бўлган носпецифик йирингли бўшлиқнинг бўлиши – ўпканинг сурункали абсцесси дейилади. Сурункали абсцесслар пайдо бўлишига ўпкасида ўткир йирингли жароёнлари бўлган беморларни касалхонага кеч ётқизиш, муолажа жароёнининг етарли бўлмагани, уни стационардан клиник жихатдан тўлиқ тузалмасдан ва рентгенологик текширувсиз чиқариш сабаб бўлади.

Этиология ва патогенез. Сурункали ўпка абсцесслари этиологиясида худди ўткир ўпка йиринглашидаги каби кўзгатувчилар муҳим аҳамиятга эга. Стафилококк ўз аҳамиятини сақлаб қолади ва кўпчилик, жумладан, замонавий антибиотикларга чидамли штаммлар устунлик қилади. Грам-манфий -пseudомонас, Escherichia, Протеа, ва хоказо. Одатда, бу микроорганизмлар асосий антибактериал препаратларга ҳам чидамли. Кўпгина беморларда мақсадли микологик тадқиқотлар билан балғамдан чуқур микозларнинг патогенлари ажратилади. Шу билан бирга уларнинг этиологик аҳамиятини фаол замбуруг инфекциясининг серологик белгиларини аниқлаш орқали исботлаш мумкин. Бундай шароитда сурункали ўпка абсцессларини этиотроп даволаш қийин вазифага айланади.

Ўпка тўқимасида сурункали йирингли жараёни ривожлантиришнинг яна бир патогенетик механизми беморга одатда ўткир абсцесс ташхиси қўйилмалиги ва узоқ муддатли крупоз ёки абсцессланучи пневмония (айниқса, болалик даврида), бронхиал дарахтнинг шикастланиши, пневмосклерознинг катта жойлари шаклланган бўлиш билан боғлиқ. Бу ҳолатда муҳим омиллардан бири бронхларнинг дренаж функциясининг бузилиши хисобланади. Яллиғланиш жараёни аста-секин бевосита ва инфилтратлар шаклланиши билан бузилган лимфа оқими туфайли ўпканинг қўшни қисмларига тарқалади. Агар охириги некротизация бўлса, одатда, бир нечта яралар ҳосил бўлади. Вақт ўтиши билан жараён сурункали абсцесснинг барча морфологик ва клиник хусусиятларига эга бўлади. Худди шундай ривожланиш механизми ўпка соҳасининг фиброателектазида ёки карнификациясида оғир яллиғланиш жараёнлари натижасидаги ҳолатларда ҳам кузатилиши мумкин. Агар ўткир ўпка абсцессида асосий морфологик хусусияти йиринг билан парчаланиш бўшлиғи бўлиб, деворлари ўпка тўқимасининг ўзидан иборат бўлса, сурункали абсцесда улар грануляция тўқимаси ҳосил бўлиб, одатда касаллик бошидан бошлаб 6-8 ҳафта охири билан тугалланадиган бириктирувчи тўқима (пиоген) капсуласига айланади. Ҳосил бўлган пиоген капсуласи ўсиб бириктирувчи тўқима туфайли қалинлашади, каттик бўлади. Деструкция бўшлиғи атрофидаги ўпка тўқимаси ҳам сиқилади. Абсцесс бўшлиғида ва атрофдаги паренхимада давом этаётган бўкиш жараёни ўзаро бир-бирини қўллаб туради. Иккиламчи яралар абсцесс атрофида пайдо бўлиши мумкин, бу еса йирингли жараённинг ўпканинг олдиндан таъсирланмаган қисмларига тарқалишига олиб келади. Йирингли бўшлиқни бронхиал дарахтга бўшатиш ўчоқли ателектазлар ва иккиламчи бронхиэктазиялар ҳосил бўлиши билан жараёни бронхлар бўйлаб умумлаштиришга ёрдам беради. Зарарланишнинг бу шаклида бутун деструктив мураккаб жараён марказида - бирламчи сурункали ўпка абсцесси жойлашган.

Кўкрак қафаси жароҳатларидан кейин сурункали ўпка йиринглашининг ҳосил бўлиш хусусияти нафас паренхимасидан у ёки бу сабабга кўра олиб ташланмаган ёт жисмлар муҳим ўрин тутати. Бу бурғулаш снарядлар бўлаклари, қовурғалар бўлаклари, кийим ва ускуналар бўлаклари бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда сурункали ўпка абсцесси жароҳатдан анча кейин ҳосил бўлиши мумкин.

Нихоят, ўпка тўқимасида сурункали йиринглашнинг шаклланиши трахеобронхиал дарахтда узоқ вақт бегона жисмларнинг мавжудлиги ёки бронхларнинг дренаж функциясининг бузилиши билан бошқа сабабларга кўра кузатилиши мумкин (бронхит, бронхиал сиқилиш билан бронхаденит).

Ўткир ўпка абсцессининг сурункали ҳолатга ўтишига ёрдам берувчи асосий омиллар:

1. ўткир ўпка йиринглашида деструкция бўшлиғини етарли ёки самарасиз дренажлаш, атрофдаги паренхимада бириктирувчи тўқиманинг ривожланиши, фиброз капсуласи ҳосил бўлиши учун шароит яратади, бу еса кейинчалик бўшлиқнинг ҳажмини камайтиришга тўсқинлик қилади;

2. ўпка тўқимаси ичида деструкция бўшлиғи ўлчамининг (5 см дан ортиқ) катта бўлиши ёки уларнинг бир нечта бўлиши;

3. абсцесс бўшлиғида секвестрларнинг бўлиши, улар қўшилувчи бронхларнинг оғизларини ёпиб, бўшлиқнинг ўзида доимий равишда бўкиш ва унинг атрофида яллиғланишни қўллаб туриши;

4. ўпка абсцесс билан шикастланган сегментлар соҳасида плевра жароҳатларининг шаклланиши бўшлиқнинг эрта кичрайишини ва облитерациясини олдини олиши;

5. ўткир ўпка абсцессини консерватив даволаш натижасида дренажловчи бронхлар оғизларида қуруқ қолдиқ бўшлиқ ва бўшлиқни эпителизацияси оқибати;

6. бузилган иммунитет ва тананинг ўзига хос қаршилиги.

Сурункали ўпка абсцесси классификацияси

Кечиши бўйича:

- қўзиш
- ремиссия

келиб чиқиши буйича:

- ўткир абсцессдан кейин
- обтурацион (ТБД даги ёд жисм хисобига)
- ўпка тўқимасидаги ёд жисм
- «бирламчи»

Асоратланишига қўра:

- асоратланмаган
- асоратланган
- ўпка-плевра асоратлари-бронхиектаз, ўпка қонаши, плевра эмпиемаси ва пиопневмоторакс, иккиламчи ўпка абсцесси

●ўпка бўлмаган асоратларга-сепсис, ички аъзонинг шикастланиши (амилоидоз), суяк ва бўғим асоратлари

Тарқалиши бўйича:

- битта ёки кўплаб
- бир томонлама ёки икки томонлама

Клиника. Ремиссия ва қўзиш давлари алмашиб турадиган умумий холсизлик, иштаха бўлмаслиги, уйқусизлик, курак қафасидаги оғриқ билан кечадиган касаллик. Кўпинча дам олишда нафас қисилиши кузатилади, бу жисмоний машқлар билан ортади. Доимий симптомларидан бири- йўтал, бир суткада 500-600 мл йирингли балғам ажралиши. Қўзиш даврида юқоридаги симптомлар кучаяди.

"Ноғора бармоқлар"(расм. 1.) ўпкада сурункали йирингли жараённинг енг доимий белгиларидан бири бўлиб, 85-95% беморларда кузатилади. Бироқ шуни ёдда тутиш керакки, бу симптом оғир тўқима гипоксияси (митрал юрак касаллиги, бронхиал астма ва бошқалар) билан кечадиган бошқа касалликларда ҳам учраб туради.). Тирноқ фалангаларининг қалинлашиши билан бирга, тирноқ пластинкаларининг "соат ойналари"турига кўра деформациясига еътибор қаратилади. Радикал амалиётлардан кейин 6-12 ойдан сўнг бармоқлардаги ўзгаришлар нормал



кўринишга кайтади.

Расм. 1 Ноғора бармоқлар

Кўкрак қафасини объектив текшириш вақтида аниқланган симптомлар жуда хилма-хил бўлиб, у зарарланишлар локализацияси, касаллик фазаси, ўпка тўқимасидаги анатомик ўзгаришларнинг оғирлиги, плевра бўшлиғида биргаликда ўзгаришларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги билан аниқланади. Абцесснинг чуқур жойлашиши билан перкуссия товушининг қисқариши йўқ бўлиши ёки емпиема плевра асорати билан айтилиши мумкин. Авж олиш ва абцесс ҳосил бўлиш фазасида нам хириллашлар, бронхиал нафас олиш кузатилади. Абцесснинг юзаки жойлашиши билан кўпинча амфорик нафас тингланади. Ёндош плеврит баъзан плеврал ишқаланиш шовқини билан намоён бўлади. Абцесс бронхга ёриб киргач, ўпкада бўшлиқ борлигига хос белгилар аниқланади.

Сурункали йирингли интоксикация бу касалликнинг характерли белгиси бўлиб, ўпка йиринглашининг ўзига хос бўлмаган, характерли ва бошқа белгилари билан намоён бўлади. Қоннинг морфологик таркиби тез ўзгаради (юқори лейкоцитоз, лейкоцитар формула чап томонга силжийди, анемия). Ремиссия даврларида бу ўзгаришлар камроқ намоён бўлади.

Сурункали ўпка абцессларида гипопроотеинемия ва диспротеинемия доимо ривожланади. Клиникада олиб борилган кузатувлар таҳлили плазма оксилларининг таркиби ва ўпка тўқимасида йиринглаш жараёнининг оғирлик даражаси ўртасидаги статистик жихатдан ишончли муносабатни аниқлади. Авж олиш даврларида бу ўзгаришлар янада кучаяди. Оғир тез-тез авж олиб турадиган сурункали абцессларда диспротеинемия ремиссия даврларида давом этади.

Сурункали абцессларда буйрак функциясининг тез-тез бузилиши албуминурия, цилиндрүрия, Зимницкий синамаси параметрларининг ўзгариши билан характерланади. Ички аъзоларнинг амилоидози билан кечадиган сурункали ўпка абцессларининг оғир, узоқ муддатли шакллари буйрак функциясининг минут диурези, гломеруляр филтрация ва бошқалар бузилишида ифодаланган чуқурроқ ўзгаришига сабаб бўлади.

Касалликнинг кечиши ва асоратлари. Сурункали абцесслар билан оғриган беморларнинг кўпчилигида касаллик ўткир йиринглаш жараёни пасайгандан сўнг ривожланади, бу кўпинча унинг натижаси сифатида қуруқ қолдиқ бўшлиққа ега еди. Бир неча ойдан кейин, еҳтимол, анча кейин, бундай тикланишдан сўнг, ҳолсизлик, вақти-вақти билан субфебрил ҳарорат, қуруқ ва нам йўтал намаён бўлади.

Рентгенологик жихатдан бу даврда ўпка тўқимасининг перифокал яллиғланиш инфильтрациясининг пайдо бўлиши ва кўпайишини қайд етиш мумкин (расм 2). Тана ҳароратининг бирдан кўтарилиши, нафас олганда ва йирингли балғамда оғиздан ноҳуш ҳиднинг пайдо бўлиши, рентгенда горизонтал суюқлик сатҳининг аниқланиши ёки рентген нурларида массив бир ҳил кўланка сурункали ўпка абцессини ташхислаш имконини беради. Касалхонага ётқизиш ва даволанишдан сўнг, бу ҳолат сезиларли даражада яхшиланиши ва ремиссияга ўтиши мумкин, аммо кейинчалик одатда йиринглаш кучаяди.



Расм. 2. Ўпканинг сурункали абцесси.

Баъзан ўткир ўпка абцесси даволашга қарамасдан бемор аҳволининг аниқ клиник яхшиланмасдан, кўзга кўринарли сурункали ҳолатга айланади. Шу билан бирга, юқори тана ҳарорати ва йирингли балғам давом этади. Ўпка тўқимасининг деструксия бўшлиғи ва перифокал яллиғланиш инфильтрацияси давом этади. Касалликнинг бу кечишига сабаб кўпинча йиринг, майда секвестрлар, детритларнинг қалин консистенцияси туфайли дренажловчи бронхлар орқали табиий равишда йиринг чиқиши қийин кечади. Сурункали абцесс белгилари бундай беморларда касаллик бошидан иккинчи ёки учинчи ойнинг бошида пайдо бўлади.

Компютер томографияси ўпка абцессини ташхислаш учун енг сезгир ва ўзига хос усулдир. Контраст киритилиши абцесснинг чегараларини аниқлаш имконини беради. Ўпка абцесслар ҳажми фарқ қилиши мумкин ва одатда шакли юмалоқ. Улар суюқлик билан тўлиқ тўлдирилиши ёки газ-суюқлик сатҳига ега бўлиши мумкин. Периферияда абцесс одатда консолидация зонаси билан ўралган бўлсада, даволаниш пайтида абцесс бўшлиғи узокроқ сақланади этади.

Сурункали абцесслар асоратлари (иккиламчи бронхиектазия, ўпка қонаши, септикопиемия, паренхимал аъзоларнинг амилоид дегенерацияси) одатда касалликнинг авж олиш даврида ва унинг узок давом этиши кузатилади.

Диагноз ва дифференциал диагноз. Сурункали абцесс ташхиси қийин емас ва клиник, лаборатория ва рентгенологик текширув маълумотларига асосланилади.

Бронхография ёрдамида зарарланишнинг топик ташхиси ҳамда бронхиал дарахтнинг "касал" ва "соғлом" томонларидаги ҳолати аниқланади. Бронхографиядан олдин бемордан қаттиқ йўталиш ва балғам ажратиш трахея ва бронхларни пухта санитария талаб қилади.

Сурункали ўпка абцессининг дифференциал диагностикаси бронхоектазлар билан қилиш керак бўлади.

Бронхиектазия, сурункали абцесслардан фарқли ўлароқ, асосан кичик ёшлардагиларда учрайди еркаklar ва аёлларда тенг тарқалган. Анамнезидан болаликда тез-тез ўпка яллиғланиш касалликлари бронхит учраши ва такрорланиб туриши бронхиектазия ривожланишига олиб келади. Сурункали абцесс билан оғриган беморларда авж олиш муддатлари камдан-кам ҳолларда бронхиектазиялар билан оғриган беморлар учун хос бўлган жуда кўп миқдорда балғам чиқиши билан кечади, бунда балғам катта миқдорда ("тўла оғиз"), айниқса, уйкудан кейин ерталаб чиқади. Бронхиектазия билан оғриган беморларнинг балғамида еластик толалар жуда кам топилади, сурункали абцессларда еса улар деярли ҳар доим топилади. Ўпка абцесслари кўпинча юқори ва пастки бўлақларнинг орқа сегментларида, айниқса ўнг томонда жойлашади. Кўпинча юқори бўлақ зарарланганда кўшни пастки бўлақ яллиғланиш жараёнида иштирок этади ва аксинча. Кўпинча сурункали абцесслар билан бўлақлар ва сегментларнинг комбинацияланган зарарланиши қайд етилади. Бронхоектазларда кўпинча ўпканинг пастки бўлақлари, шунингдек ўртача бўлақ ва тилчасимон сегментлар зарарланади.

Сурункали ўпка абцессини пневмония авж олиш даври ва абцессланувчи пневмония билан ҳамда ўпка саратони, сил касаллиги ва ўпка кисталари билан дифференциал

диагностикаси қилиш керак бўлади.

Даволаш. Радикал оператив даволаш - сегментэктомия, лобэктомия, пульмонэктомия. Консерватив муолажа тамойиллари ўткир жароёндаги даволаш каби, жарроҳлик амалиётига тайёргарлик сифатида ёки жарроҳлик амалиётига монелик қиладиган кўрсатмалар бўлганда (жароённинг икки томонламалиги, кексалик ёши, қўшилиб келган патология борлиги), мустақил даволаш воситаси сифатида фойдаланилади. Дастлаб, сурункали ўпка абцесслари бўлган беморлар, одатда, интенсив консерватив даволанишга муҳтож, бу ҳам радикал жарроҳликка тайёргарлик. Ушбу даволанишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1) йирингли интоксикациянинг камайиши ва ўпкада яллиғланиш жараёнининг зўрайишини бартараф етиш;

